НУТҚИЙ АКТ ТУРЛАРИНИНГ ФАРҚЛАНИШИДА ИНТОНАЦИЯНИНГ ЎРНИ

М.Ғозиева

Мақолада нутқий актнинг семантик турларига оид мулоҳазалар баён қилинади. Интонация нутқий актни ҳосил қилувчи асосий восита эканлиги кўрсатилади.

Калит сўзлар: *прагмалингвистика, нутқий акт, нутқий акт кўринишлари, интонация.*

В статье обсуждаются семантические типы речевого акта. Интонация считается основным средством реализующим речевой акт.

Ключевые слова: *прагмалингвистика, речевой акт, виды речевого акта, интонация.*

The article deals with the semantic types of the speech act. The intonation is considered as the main means in realizing the speech act..

Key words: *pragmalinguistics, speech act, types of the speech act, intonation, semantic types.*

Нутқий акт назариясининг умумий масалалари семиологик структура билан боғланади. Нутқий акт нутқ ҳодисаси сифатида ўрганилади. Нутқий акт билан ёки нутқий акт орқали ифодаланган маъно билан сўз ва иборалар маъносини фарқлаш лозим. Нутқий акт орқали ҳам маънолар ифодаланиб, унинг ифодаловчи воситаси гап, матн, нутқ, ифода структурасидаги интонация орқали шаклланади. Масалан, *Баҳор келди* жумласининг уч хил оҳанг билан талаффуз қилиниши «хабар»,

«сўроқ», «ҳаяжон» нутқий актларини юзага келтиради. Савол туғиладики, лексик бирликлар (сўз ва иборалар), фонетик бирлик (интонация), синтактик бирлик (гап) орқали ифодаланган маънолар семиологик нуқтаи назардан семиологиянинг принципларига мос кела оладими, унинг талабларига жавоб бера оладими? Белгилик хусусиятлари тамойилларига кўра шакл ва шакл орқали идрок қилинадиган маъно асос қилиб олиниши керак. Масалан, олма сўзи идрокида унинг образи ва маъноси шаклланади. Бу семиологик принциплар талабига тўлиқ мос келади ва айни пайтда тил ҳодисаси сифатида эътироф этилади. Фонетик бирлик ҳисобланган интонациянинг белгилик табиати ҳақида гапирилганда тилшунослар орасида икки хил қараш мавжуд. Айрим тилшунослар тилнинг интонацион воситаларини белгининг ифода плани бўлса етарли деган ғоя билан тасдиқлайдилар. Жумладан, В.Б.Касеевич интонация лисоний белгиларнинг мустақил соҳаси деб таъкидланишини инкор қилади. У ўзининг қарашларида интонация мураккаб белгилар таркибига киришини таъкидлайди. Жумладан, интонация бир неча факторларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида маъно ифодалайди деб таъкидлайди. Бир неча факторларга интонацион, лексик ҳамда синтактик факторларни киритади. Шу маънода Н.Д.Светозарованинг қарашлари муҳимдир. У ўзининг қатор тадқиқотлари натижаси сифатида қуйидаги хулосаларини тақдим қилади: «Гапнинг синтактик структураси, сўз тартиби, лексик-семантика кабилар ифоданинг коммуникатив типларини белгилайди. Ифода структурасида просодик воситаларнинг ўзаро бирикиши натижасида интонация орқали ифодаланувчи маъно кўзга ташланади. Бу турли тиллар юзасидан ўтказилган тадқиқот натижасидир» [1.9]. Н.Д.Светозарова томонидан таъкидланган бу қоида нутқий актлардир ва айни пайтда бундай қараш интонациянинг белгилик табиатини исботлаб беради. Нутқий актлар нутқий ҳодисалар саналиб, у орқали ифодаланган маънолар гапнинг коммуникатив типларини белгилашда интонацион модель ёки интонема деб юритилади.

«Ж.Остин локутив актни ички фарқланиш белгисига кўра уч гуруҳга ажратади: фонетик, фатик ва ретик актдир. Сўзловчи учун маълум бўлган товушлар талаффузи фонетик акт дейилади» [2.51]. Шунинг учун ҳам номаълум товушлар талаффузида акцентлашиш пайдо бўлади. Бунда локутив актнинг фонетик принциплари бузилади.

Ўзбек тилшунослигида М.Ҳакимов, Ш.Сафаров тадқиқотлари прагмалингвистиканинг пайдо бўлишида асос бўлиб хизмат қилди. М.Ҳакимов диссертацион тадқиқотида [2] ҳам, Ш.Сафаров монографиясида [3] ҳам нутқий акт масаласи батафсил тадқиқ этилган. М.Қурбонова «Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти» номли монографиясида нутқий акт назарияси, унинг турлари, шунингдек, нутқий актни ҳосил қилувчи вербал ва новербал воситаларни айтиб ўтади. Унинг қарашларида «... нутқий актда хабар, сўроқ, буйруқ, изоҳ бериш, кечирим сўраш, ташаккур билдириш, табрик ифодалаш каби турли нутқий ҳаракатлар амалга оширилади» [4. 9] деб таъкидланади. Шунингдек, айнан болалар коммуникатив фаолиятида кўп учрайдиган нутқий акт кўринишларини семантик жиҳатдан қуйидаги турларга бўлади: «...хабар, сўроқ, илтимос, буйруқ, ундаш, кечирим, ваъда, истак, талаб, таклиф, рад этиш, орзу-ҳавас, миннатдорчилик, огоҳлантириш нутқий актлари» [4.32].

«Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хусусан, буйруқни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши истак нутқий актини ҳосил қилади. Манбаларда нутқий актнинг хабар қилиш, истакни баён этишга қаратилган нутқий акт, мажбурият акти, ижтимоий этикет кўринишлари, эмоционалликни ифодаловчи актлар, маъқулловчи, тақиқловчи, нутқни тўхтатувчи акт каби турлари қайд этилади» [4.15] деб эътироф этилади. Бу ўринда нутқий акт турлари гапнинг коммуникатив типларига мос равишда ажратилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Хусусан, буйруқни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ гап интонацияси орқали буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ гап интонацияси орқали сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши эса истак гап интонацияси орқали истак нутқий актини ҳосил қилади. Дарак гаплар интонацияси бўйича тадқиқотлар олиб борган Д.Ниёзов [5.65] ифоданинг дарак кўринишини «соф дарак, хабар, эълон, тасдиқ жавоб, инкор жавоб, даракда санаш, номлаш, луқма» каби саккиз турга ажратади. Демак, нутқий акт турларини ажратишда ҳам гапнинг коммуникатив типлари ва уларнинг ички кичик турлари асосида тасниф қилиш лозим. Бу эса нутқий актларни ифодаловчи асосий восита интонация эканлигини кўрсатади.

Нутқий акт маъно бўладиган бўлса, уни ифодаловчи восита мавжуд бўлиши керак. Нутқий актларни ҳосил қилувчи асосий восита интонация бўлиб, у нутқий акт турларини фарқлашга ҳам хизмат қилади. Бу жараёнда овознинг паст-

баландлиги, оҳангнинг ўзгариши, темпнинг тезсекинлиги, паузанинг узун-қисқалиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нутқий актнинг қуйидаги кўринишларини фарқлаш мумкин:

1. Хабар нутқий акти: – *Ёлғон гувоҳлик бериш қонун бўйича жазоланажагини эслатиб қўймоқчиман, - деб гап бошлади Зоҳид* ***расмий оҳангда****. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)*

2. Сўроқ нутқий акти: – *Яна нима бўлди, Раҳмонқул чегачининг қизи? –* ***сал норози оҳангда*** *сўради Турғунбой ота. (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.)*

3. Буйруқ нутқий акти: *Меҳмонхона эшиги «ғийқ» этиб очилди. Ичкаридан чиқиб келган Меҳри хола аввал Одинага, кейин Шарофатга қараб «уят» дегандай бетини чимчилади, сўнг атайин* ***кўтаринки оҳангда, баланд овозда*** *буйруқ берди:*

- Овқатни сузавер, келин. (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.)

Бадиий матнда нутқий актларга ишора қилувчи ва ҳар бир актга хос бўлган хусусиятларни ёритишга хизмат қилувчи ёзувчи томонидан изоҳланган лексик воситалар ҳам мавжудки, бу бирликлар аниқ хулосалар чиқариш имконини беради.

...Асадбек қаддини кўтарди-да, телефон симини ушлаб ўзига тортди. Сўнг рақамни териб, нотаниш овозни эшитгач, ажабланди:

- Сен кимсан? – деб хотинига қараб олди.

Телефондаги овоз «Мен сартарошман», дегач, Асадбек сўкиниб қўйди-да, ***дағал оҳангда****:*

- Кеннайингни чақир! – деб буюрди. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)

4. Огоҳлантириш нутқий акти: – *Қўлингдан келганини қил, тўрткўз! –* ***беписанд оҳангда*** *гапирди Бердиқул. – Хоҳласанг, ҳозир мен билан биттама-битта чиқ. Эзиб ташлайман! (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.)*

5. Талаб нутқий акти: *Жавлон* ***жиддий оҳангга*** *ўтди:*

- Одилова, сичқон-мушук ўйинини бас қилинг. (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.).

6. Ундаш нутқий акти: *Дилобар* ***самимий оҳангда*** *гапида давом этди:*

- Йўғ-э, сизни «ўртоқ терговчи» деб атайманми. Ноқулай-ку.

Дилобар ***тагдорроқ оҳангга*** *ўтди:*

- Сизнинг соҳангизда ҳам яхши-яхши акахонларимиз ишлайди, ўртоқ терговчи. Бир қўнғироқ қилиб қўйсам...(Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.)

7. Истак нутқий акти: *Гулноза тўсатдан қизини маҳкам қучиб олди ва йиғи аралаш* ***титроқ овозда шивирлади****:*

- Кетамиз, қизим...кетамиз. (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.).

8. Таклиф нутқий акти: *Дарвоза ёнида турган «Тез ёрдам» машинасига яқинлашганлари маҳал Дониёр* ***пастроқ овозда холага мурожаат қилди****:*

- Гап-гап билан-у, лекин барибир отахонни касал.. э, шифохонамизга бир обормасангиз бўлмайди, хола. (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.).

9. Илтимос нутқий акти: *Ҳозирдан сенга айтиб қўяй, агар мен қайтиб келмасам, муштипар онамнинг ҳолидан хабардор бўлиб юр! – деди* ***бўғилган овози билан****. (Жўржи Зайдон. Фарғона келини.).*

Нутқий актда овознинг ўзгариши билан қаҳрамон руҳий ҳолати яққолроқ намоён бўлади.

10. Миннатдорлик нутқий акти: *Қиз* ***бўғиқ овоз билан****: - Худога шукур, бу балодан мени қутқазиш учун сизни етказди. (Жўржи Зайдон. Фарғона келини.)*

11. Ялиниш нутқий акти: *Чуқур хаёлга ботиб кетаётган Зирғомнинг қулоғига ҳеч қандай овоз кирмасди. Тўсатдан орқа томондан: «Худодан қўрқинглар, мени қўйиб юборинг, одамлар, менга ёрдам беринглар», деб додлаётган бир аёлнинг овози эшитилди. Зирғом юрагига ўқ қадалгандек чўчиб кетди.* ***Овоз бўғилиб чиқа*** *бошлади. Бу худди* ***Жаҳоннинг овозига ўхшагани учун*** *Зирғомнинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди. (Жўржи Зайдон. Фарғона келини)* ёки

– Адаси, дони қолса ҳам, сувини ичинг, – деди Манзура, ***ялиниш оҳангида****.*

Асадбек хотинининг кўнгли учун яна бир қошиқ ичди-да:

- Зўрлама, – деди. –Кўнглим ғаш. Иштаҳам йўқ. (Тоҳир Малик. Шайтанат).

12. Инкор нутқий акти: *Жаҳон энди бошқа бир тадбир кўриш лозим эканлигини ўйлади. Зўр иродаси билан ўзини маҳкам тутиб,* ***юмшоқ оҳангда деди****: «Сиз гапирган гапларингизни ўйлаб кўришимга фурсат беринг.»(Жўржи Зайдон. Фарғона келини.).*

Нутқий актларда сўзловчининг нияти ошкора ва яширин тарзда ифода этилади. Юқоридаги мисолда ҳам тингловчига оддийгина «йўқ» деб жавоб бермасдан, унинг яширин ифодасини «*Сиз гапирган гапларингизни ўйлаб кўришимга фурсат беринг*» жумласи орқали бермоқда.

13. Хавотирланиш нутқий акти: (хабарда ҳайрат) *- Вой ўлмасам, иккита милиса турибди,- деди Манзура хавотирланиб.*

- Менинг уйимда милисага нима бор экан, чиқиб сўра, гапи бўлса айтсин, - деди Асадбек. Манзура эшик томон юрганда ташқарида йигитлар йўқлигини эслаб, қаддини кўтарди. «Ўзим чиқаман», деб уни тўхтатди. Асадбек ташқарига

*чиққач, Манзура эрига эргашди. Йигитлардан бири салом бергач, **эҳтиромдан холи совуқ ва расмий оҳангда** «Асадбекнинг прокуратурага чақирилаётганини» маълум қилди. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)*

Хавотирланиш нутқий акти контекст талаби билан турли даражадаги кўринишларда берилиши мумкин. Бу жиҳат сўзловчининг социал, ёш, гендер хусусиятларига мувофиқ тарзда юзага чиқади. Айниқса, аёллар нутқи бу жиҳатдан яққол кўзга ташланади.

*...Юқорида турган Жалил қабр ичидаги дўстининг ҳаракатсиз туриб қолганидан хавотирланиб, **меҳрибонлик оҳангида «Асад!»** деб чақирди. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)(чақириш очиқ текстда)*

14. Ишончсизлик нутқий акти: *Бекор қиляпсан, сенга шуни ўзи кифоя эди, - деди Асад, уни огоҳлантириб.*

Бўйдорнинг кўзларида қўрқув зоҳир эди, аммо сир бой бергиси келмади:

- Сен бугундан бошлаб эмаклаб юрадиган бўлиб қоласан!

*Бўйдор дағдаға қилмоқчи эди. Лекин **овозидан таҳдид** эмас, **ишончзизлик оҳанги** сезилиб қолди. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)*

15. Кечирим нутқий акти: *Прокурор ёрдамчиси Асадбекни кўриб салом берди, қўшқўллаб сўрашмоқ учун унга яқинлашди.*

- Мен акахонни хонамда кутибман, бу ерда нима қилиб олиб ўтирибсан, чой-пой ҳам қилмабсан? – ёрдамчи шундай деб тергаб, Асадбекка хижолатомуз қаради: - Ҳали ёш-да, булар, салом-аликни ҳам яхши билишмайди.

- Салом-аликни билиш учун одам таниши керак, бу... – Асадбек «тирраки», деб сўкинмоқчи эди, ҳақоратланганини ошкор қилиб, ўзини ерга ургиси келмади.

*- Мен сенга нима деган эдим? – деди ёрдамчи **овозини бир парда кўтариб**. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)*

Нутқий актларнинг асосий хусусияти кечирим, буйруқ, илтимос каби нутқий актларни айнан шундай лексик воситалар орқали ифодаламасликдир. Юқоридаги кечирим нутқий актида ҳам «*Ҳали ёш-да, булар, салом-аликни ҳам яхши билишмайди*» ифодаси орқали кечирим сўраш ва узр оҳанги ифодаланмоқда.

16. Таъкид нутқий акти: *Она – **сал кескинроқ оҳангда** бўлса-да – дилидаги гапни тилига чиқарди:*

-Биз сени мажбурлаб узатмаганмиз, қизим. (Абдуқаюм Йўлдош. Дарё.).

17. **Ҳайратланиш нутқий акти:**

– Ким билади дейсиз. Ҳайдашса ҳайдашар… Ёки биз ҳам баъзиларга ўхшаб сотиб олсакмикин?

Бу гап Ферузага жуда ғалати туюлди. Икки бошли бузоқни кўргандай ҳайратга тушди.

*– **Сотиб оласиз? Пахта сотадиган жой борми?** (Маматқул Ҳазратқулов. Чироқ ўчмаган кеча.)*

18. **Ранжиш нутқий акти:**

– Ҳа сенга барибир. Сен ишқи йўқ эшшак, дарди йўқ кесаксан, – деди Асадбек.

*– Сал пастроқ туш, – деди Кесакполвон сал **ранжиганнамо оҳангда**. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)*

19. **Норозилик нутқий акти:**

Ҳамдам Зоҳидни хонасига телефон қилди. Зоҳид хонасида экан, гўшакни дарров кўтарди.

*– Шопирни топдим, – деди Ҳамдам, «суюнчи бер», **дегандай бир оҳангда**.*

– Нима дейди? – деди Зоҳид, бу гапни арзимас хабардай қабул қилиб.

– Ҳозирча жим... Лекин у бугуннинг ўзида сайраб беради. Сайратмасам отимни бошқа қўяман.

*– Яна муштми? – деди Зоҳид **норози оҳангда**. (Тоҳир Малик. Шайтанат.)*

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, нутқий актни ифодаловчи асосий восита бу интонациядир. Қолган лексик, фразеологик, синтактик бирликлар интонация билан биргаликда нутқий вазиятни юзага чиқишида хизмат қилади. Шунингдек, нутқий актнинг семантик турлари нутқ вазиятига мувофиқ ўзгариши мумкин.

Адабиётлар:

1. Светозарова Н.Д. Интонационная система русского языка. – Л.: ЛГУ, 1982.
2. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2011.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
4. Қурбонова М. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018.
5. Ниёзов Д. Дарак гаплар интонацияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1968.- №5.- Б. 64-67.

Фарғона давлат университети,
2018 йил 26 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. У.Раҳимов)